

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШУВИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ КОНСЕПЦИЯСИ ВА УНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Раматов Жуманиёз Султонович

ТДТрУ Ижтимоий фанлар кафедраси муdiri,

фалсафа фанлари доктори, профессор

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада олий таълим тизими модернизациялашувини ислоҳ қилиш концепцияси ва унинг устувор йўналишлари сўнги йилларда мамлакатимизда туб ислоҳотлар амалга оширилиб, давлат ва жамият бошқарувини тубдан янгилаш, ижтимоий соҳани модернизациялаш борасида кенг кўламли янгиланиш ва ташаббуслар амалга оширилмоқда. Шу асосда юртимиз келажикда иқтидорли ва истиқболли, малакали ва рақобатбардош профессионал кадрларга жуда катта эҳтиёж вужудга келишини назарда тутган ҳолда янгиланаётган ўзбекистонда илм-фан ва таълим тизимидаги ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақида тўхталиб ўтилган.

***Калим сўзлар:** Профессional таълим, илм-фан, дуал таълим, педагогика, педагогик фаолият, эҳтиёж, модернизация, таълим-тарбия, давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари, инновация, технология*

ABSTRACT

In this article, the concept of modernization of the higher education system and its three directions are discussed. Fundamental reforms have been implemented in our country in recent years. Large-scale renewal and initiatives are being carried out in the field of radical renewal of state and community management, modernization of the social sphere. On this basis, it was pointed out that in the future of our country there will be a great need for talented and promising, qualified and competitive professional personnel, and the reforms in the system of science and education in Uzbekistan are being renewed.

***Key words:** Professional education, science, dual education, pedagogy, pedagogical activity, need, modernization, education, state education standards, state education requirements, innovation, technology*

КИРИШ

Жаҳонда модернизациялашув таълим ва илмий маконга интеграциялашиш, таълим ва фан мутаносиблиги ҳамда жаҳонда олий таълим тизимларининг тубдан ўзгариши каби муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, бутун дунёда таълим модернизацияси, таълим стратегияси, глобал таълим маконини

шакллантириш ва байналмилаллаштириш, таълим сиёсати, таълим экспорти, оммавий таълим, виртуал таълим каби устувор йўналишларда ислохотлар амалга ошириш билан бир қаторда олий таълим тизими модернизациялашувининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

Дунёда файласуф, социолог, психолог, педагог олимлар томонидан олий таълим тизимини модернизациялаштириш, таълим субъектларининг дунёқараши ва тафаккур тарзини замонавий талабларга мослашиши, давлат томонидан таълим тизимининг барча босқичлари, хусусан, олий таълимга эътибор қаратилиши ва хусусий секторга имкониятларнинг кенгайтирилиши, олий таълимнинг жамият ҳаётига таъсирини тадқиқ этиш эътибор қаратилмоқда. Замонавий ижтимоий-гуманитар билимлар тизимида таълим модернизацияси минтақавий ва миллий маданиятлар интеграцияси ҳамда ҳалқлар ментал хусусиятларини алоҳида ўрганиш заруриятига оид тадқиқотларга эҳтиёж пайдо бўлмоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистонда олиб борилаётган олий таълим тизимидаги ислохотларнинг ҳуқуқий базаси йилдан - йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Турли соҳалар учун мутахассислар тайёрлаш бўйича олий ўқув юртларининг иш сифатини баҳолашга турли концептуал ва амалий ёндашувлар қўлланилаётгани бежиз эмас. Улар орасида олий таълим тизимини модернизациялашда самарали ва умумий ёндашувларни алоҳида қайд этиш мумкин. «Замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак»¹. Бу борада мамлакатимизда жамият ва олий таълим модернизацияси, мамлакатни демократиялаштириш, етук мутахассисларга бўлган бўшлиқни тўлдириш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида», 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон «Таълим тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://uza.uz/posts/05-01-2020>.

тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижроси ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Олий таълим соҳасининг асоси жамият ривожини билан ёнма-ён ҳолда такомиллашиб бормоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур бобда олий таълим тизими тўғрисидаги таълимотлар юзага келиши ва унинг фалсафий талқини, етук кадрларга яратиб бериладиган имконият ва унинг илмий қадриятлари ҳақидаги ёндашувлар, илмий баҳслар, дунё олимларининг бугунги кун нуктаи назаридан берган баҳолари тадқиқотимиз доирасида ўрганилди ва таҳлил қилинди.

XXI асрга келиб, технократик жамият барпо этилиши ҳамда инсоннинг маънавий камолоти ўртасида муайян узилиш юзага келганлиги баъзи тадқиқотчилар фикрининг нотўғри эканлигини исботлади. Шунинг учун таълим жарёнини тарбиядан ажратиб бўлмаслиги, тарбия орқали ёшларга олган билимларини эзгулик йўлида қўллашни ўргатиш нафақат ахлоқ фалсафасининг, балки ҳар бир фан тармоғининг бош вазифаси бўлиши лозимлиги ҳаётий заруратга айланди. Чунки башарият таракқиётининг ҳозирги даврида юзага келган глобал муаммоларнинг ҳал этилиши айнан шундай мутахассисларнинг ақл-заковати ва саъй-ҳаракатларга боғлиқ.

Ҳозирги кунда олий таълим тизими таълим муассасаларининг моддий-техник базаси ва илмий-тадқиқот салоҳиятини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, олий таълим мазмун-моҳиятини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилган. Олий таълим тизимини алоҳида ижтимоий ҳодиса сифатида ворисийлик ва новаторлик уйғунлигига эришиш заруриятга айланмоқда. Чунки таълимнинг ҳар бир босқичи, ўз навбатида олий таълим тизимига боғлиқ, шу боғлиқлик асосида бир бутун тизим сифатида шаклланади.

Таълим ва олий таълим: фалсафий таълимотлар генезиси

Олий таълим тизими тўғрисидаги таълимотлар юзага келиши, умуман, таълим тизими тўғрисидаги ғоялар шаклланиши билан боғлиқ. Чунки, қадимги Юнонистон мутафаккирларининг дастлабки қарашларида назарда тутилган таълим ибораси муайян маънода айнан бугунги кундаги олий таълим иборасининг моҳиятини ифода этган.

Қадимги юнон фалсафасининг таълим муаммосига бағишланган дастлабки илмий ишлардан бири Афлотун (Платон) фалсафаси ҳисобланади. Афлотун таълим тўғрисида мулоҳаза юритаркан, «пайдейя» (ёки паидея) тушунчасини қўллаган. Паидея (юн. παιδεία – болани шакллантириш, таълим,

тарбия, маданият, латинча *humanitas* – инсон сифатидаги умуминсоний таълим, παιδος - «ўғил бола, ўсмир») – умумбашарий таълим маъноларида қўлланилган. Бола шаклланишидаги тарбиянинг амалий аҳамиятини юқори белгилайди.

Шунингдек, «пайдейя» «инсон томонидан» идеал, маънавий ва жисмоний камолотга эришиш учун ўзини ўзи ўзгартириб, босиб ўтган йўл сифатида ҳам тушунилган. Шу ўринда Афлотун «фазилат билимдир», деган суқротча эътиқод билан ўртоқлашади. Агар бу билим бўлса, унда «барча кучларни ушбу принципга мувофиқ» жамиятни қайта қуришга, яъни таълимга сарфлашимиз керак. Натижада, таълим моҳиятида ўзгаришлар намоён бўлиши таълимнинг асосий моҳиятини инобатга олиш зарур. Шу билан бирга, Афлотун таълимни ҳукуматнинг муҳим воситаси сифатида кўриб чиқади. У фалсафага оид маълумоти бўлган ўқимишли одамларгина давлатни адолатли бошқариши мумкинлиги ҳақидаги ғояни илгари суради. Унинг бу қарашлари алоҳида аҳамиятга эга. Афлотуннинг шогирди Аристотель эса «Ҳар бир фанда мавзунини ўрганишнинг икки йўли мавжуд. Улардан бирини илмий билим, иккинчисини таълим (παιδεία) деб аташ мумкин. Фақатгина тўғри маълумотга эга бўлган одамгина бошқа одамнинг ҳукми тўғри ёки нотўғрилигини баҳолай олади. Бу ҳам тўлиқ маълумотли одамни ажратиб туради. Таълим деганда, биз тўғри ҳукм чиқариш қобилиятини назарда тутамиз», деган фикрни илгари суради. Шундай қилиб, бу ҳолда биз Аристотель нуктаи назаридан таълимнинг асосий қиймати одамнинг нарсаларни объектив баҳолаш, тўғри (рост) қилиш қобилиятидир, дейишимиз мумкин бўлади. Шу билан бирга, Аристотель ҳар қандай соҳада ҳаддан ташқари ихтисослашувни ҳақиқий таълим ва зодагонларга мос келмаслигини таъкидлайди.

Демак, Аристотель у ёки бу соҳадаги таълим ва махсус билимларни аниқ ажратиб кўрсатди: «тўлиқ маълумотли киши ҳар қандай нарсага ҳукм қилишга қодир», билимдон «эса фақат маълум бир соҳада ваколатли», Аристотелнинг сўзларига кўра, Пайдейянинг асосий мақсади фазилатларни ўргатишдир.

Таълим ва маданият ўртасидаги боғлиқлик қадимги юнон файласуфларининг концептуал конструкцияларида пайдо бўлган. Унинг мақсади инсоний табиатини, унинг маънавиятини енгил эди. Шунини таъкидлаш керакки, биз қадимги Юнонистонда инсон ва у олган билимлар мавзусидаги биринчи жиддий мунозарани учратамиз, унинг марказида таълим мақсадлари масаласи туради. Ушбу мунозара Суқрот ва Софистлар ўртасида рўй беради, уларнинг фикрлари кескин фарқ қилади: «Софист донишманд, файласуф эса севувчи доноликдир. Софистлар таълимнинг амалий самарадорлигини биринчи ўринга қўйишди» .

Қадимги Рим фалсафий анъанаси ҳам юнон фалсафасининг кўплаб элементларини қабул қилган. Бу таълимга ҳам тегишли. Қадимги Рим нотиги ва файласуфи Цицероннинг нуқтаи назарича, одамни фазилатли қилиб, иллатларни бутунлай йўқ қила оладиган ягона восита – таълим ва тарбия. Фикримизча, Цицерон нуқтаи назаридан таълимнинг асосий мақсади инсоннинг фазилатларини шакллантириш эди. Бундан ташқари, И.Г.Гарафутдинов «Цицерон учун таълим ҳам ўз-ўзини англашдир, чунки ўзини танитай туриб, инсон ўзини мукамал нотик бўлишига ёрдам берган ушбу олий фазилатларни ўзида очиб беролмайди», деб изоҳлайди.

Бошқа бир Рим файласуфи Луциус Аннеус Сенека ҳам ўзининг фалсафий мулоҳазаларини таълим-тарбияга бағишлаган. У таълим ва тарбия мавзусига муурожаат қиларкан, «қалбни тарбиялашга устунлик беради». Сенека ҳам Цицерон сингари ўқитишни фазилат деб билган. У ўзининг машҳур хатларидан бирида шундай ёзган эди: «Инсоннинг ўқиган бир куни энг узун жаҳолат асридан ҳам узунроқдир». Цицерон «нотик фалсафий маълумотга эга бўлиши керак», деб таъкидлайди. Ўз навбатида, Рим фалсафасининг яна бир вакили – Марк Фаби Квинтилиан «фақат яхши ният билан ҳаяжонланиш ва эҳтиросларни рамзий қилиш учун энг қулай бўлган санъат ҳақидаги билимларни» маъқуллайди.

Айтишимиз мумкинки, Рим фалсафаси таълимни у ёки бу турдаги фаолиятга мўлжалланган шахсни тарбиялашнинг зарурий элементи, деб ҳисоблаган. Бу қараш утилитар характерга эга бўлиб, унга мувофиқ, таълимнинг асосий қиймати унинг ҳаётга татбиқ этилишини тушунтиришдан иборат. Бу фалсафа замирида биз таълимнинг инсонни ўз эҳтиросларидан ғолиб чиқишга ва маданиятли жамиятда яшашга қодир бўлган шахсга айлантирадиган куч сифатида талқин этилганлигини кўришимиз мумкин.

Немис мутафаккири Гегель ҳам шулардан келиб чиққан ҳолда таълимни «бу шахснинг аҳамияти ва ҳақиқати туфайли» ривожланишини алоҳида таъкидлаган эди. И.Кант таълимотига эътибор қаратадиган бўлсак, «ақл имконияти ва танқиди бевосита таълим билан узвийликда таҳлил этилади. Педагогика ва келажак ўртасида ўзаро белгилайдиган боғлиқлик мавжуд. Биринчидан, келажакни кутмасдан, тарбиянинг мақсадларини танлаш мумкин эмас, иккинчидан, келажак бевосита тарбия самарадорлигига боғлиқ». Кўриниб турибдики, И.Кант таълимни икки жиҳатдан тушунади. Унинг фикрига кўра, бу ҳам таълим берадиган имтиёзлардан биридир. Бу И.Кант учун «тинчлик доимо ҳукмронлик қиладиган мукамал маданиятни шакллантириш» воситаси бўлганлигини англатади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://uza.uz/posts/05-01-2020>.
2. Жуманиёзова Н.С. Хорижий давлатлар таълим тизими тараққиёти (Сингапур мисолида) // Имом Бухорий сабоқлари. – Бухоро, 2020 – №2. – Б. 144-147. (09.00.00; №9).
3. Jumaniyazova N.S. Reforms in improving the quality of higher education and its philosophical and legal basis // International Journal of Psychosocial Rehabilitation: Vol. 24, Issue 08, 2020. – P. 6499-6505. (№3; Scopus).
4. Jumaniyazova N.S. Modern education system and personnel policy in Uzbekistan // International Journal of Research Available at: 2019 – P. 478-484. (№23; SJIF, 5.7).
5. Жуманиёзова Н.С. Ўзбекистонда таълим сиёсати модернизацион босқич // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2020. – № 1.(84) – Б. 14-18. (09.00.00; №5).
6. Jumaniyazova N.S. Principles of state policy in the area of education // The scientific heritage Budapest, Hungary, 2021. – Б. 46-48 (№23 SJIF, 5)
7. Жуманиёзова Н.С. Современная система образования: интеграция и пропорциональность национальных процессов // International Multidisciplinary Scientific Practical Conference on Applied Science and Humanities. Archive of Conferences, USA, Boston, 2021. – С. 48-49.
8. Жуманиёзова Н.С. Вопросы повышения эффективности духовно-нравственного воспитания в системе образования // Халықаралық ғылыми-тәжірибелік конференциясы: Международная научно - практическая конференция. – Астана, 2018. – Б.127-129.
9. Жуманиёзова Н.С. Таълим тизимида талаба-ёшларда танқидий тафаккур қобилятини шакллантириш // Глобаллашув шароитида тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи ғоявий, мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши курашишнинг замонавий усуллари яратиш: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2019. – Б.204 -207.
10. Жуманиёзова Н.С. Янги Ўзбекистон олий таълими тизимидаги ўзгаришлар талқини // Учинчи ренессанс маънавияти: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2021. – Б.176-179.
11. Жуманиёзова Н.С. The role of social services in the modernization of higher education // Ўзбекистон Республикаси олий таълими инновацион ривожланиш йўлида: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Кўкон, 2019. –Б. 357-359.

12. Жуманиёзова Н.С. Ўзбекистон олий таълим тизимини халқаро миқёсда интеграциялашуви // “Транспорт соҳасида халқаро даражадаги мутахассис кадрлар тайёрлаш истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси тўплами, Тошкент, - Б. 413-418.
13. Жуманиёзова Н.С. Глобаллашув жараёнида олий таълимда кадрлар сифати масаласи // Глобаллашув шароитида ахборот таҳдидларига қарши курашишнинг замонавий технологияларини яратиш муаммолари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, 2020. –Б. 136-140.
14. Жуманиёзова Н.С. Алишер Навоий меросининг жаҳон цивилизация тарихида тугган ўрни // Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари: Халқаро илмий - назарий ва амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2018. – Б.106-109.
15. Жуманиёзова Н.С. Мустақиллик йилларида миллий маънавий меросимизнинг тикланиши, туризм соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар // Ислом Каримов – янги давр ўзбек давлатчилигининг асосчиси: Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент, 2018 – Б. 22-26.
16. Жуманиёзова Н.С. Оила институтининг функционал жиҳатлари ва ёшлар тарбиясидаги ўрни // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2018.-№-1/4/1. – Б.121-214.
17. Жуманиёзова Н.С. Бошқарув маданиятида ахлоқий кадриятлар инъикоси // Ижтимоий - гуманитар фанларнинг долзарб масалалари: ривожланиш истиқболлари: Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. - Нукус, 2018. – Б.242 -244.
18. Жуманиёзова Н.С. Оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш масалалари // Социологияни ўқитиш ва социологик тадқиқотларни ташкил этишнинг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2018 – Б.68-69.
19. Жуманиёзова Н.С. Буюк келажакнинг буюк ёшлари // Ислом Каримов – янги давр ўзбек давлатчилигининг асосчиси: Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент, 2018 – Б.50-54.
20. Jumaniyazova N.S. The impact of the synthesis of global multicultural civilization and modernization on the socio-cultural life of Uzbekistan // International Virtual Conference on Language and Literature Proceeding. Indonesia, 30 may 2022 (Session 5) – P. 88-90.
21. Jumaniyazova N.S. The role of social institutions in the development of young people // Galaxy international interdisciplinary research journal (GIIRJ). Vol. 10, Issue 6, June. 2022. – P.67-70.

22. Kadamovich, Y. J., Muzaffarovna, I. G., Maxmudovich, Y. B., Voxtiyarovna, S. S., & Xabibullayevich, S. S. (2020). Social justice as a condition of socio-spiritual stability in society. *Journal of Critical Reviews*, 7(5), 816-818.
23. Раматов, Ж.С., Баратов, Р.Ў., Султанов, С.Х., Муратова, Д.А., Хасанов, М.Н., & Эрниёзов, У.К. (2022). ЁШЛАР ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЙ ҚИЁФАСИ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10), 376-386.
24. Раматов, Ж.С., Баратов, Р.Ў., Султанов, С.Х., Кушаков, Файзулла Абдуллаевич., Валиев, Л.А., & Хасанов, М.Н. (2022). ҲОЗИРГИ ДАВРДА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ҲАҚИДАГИ ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЛҚИНИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (9), 647-656.
25. Саифназаров, И., & Султанов, С. Х. (2022). ИЖТИМОИЙ АДОЛАТНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ИЖТИМОИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ УСТУВОР ЖИҲАТЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 1), 71-76.
26. Раматов, Ж. С., Муратова, Д., Султанов, С. Х., Тухтабоев, Э., Кушаков, Ф., & Хасанов, М. Н. (2022). ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ҚАДРИЯТЛАР ПЛЮРАЛИЗМИ. *World scientific research journal*, 8(1), 102-108.
27. Раматов, Ж. С., Эрниёзов, У. К., Султанов, С. Х., & Хасанов, М. Н. (2022). САНЪАТНИНГ ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. *World scientific research journal*, 9(2), 65-70.
28. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Sultanov, S., & Khasanov, M. (2022). METHODS AND MEANS OF FORMATION OF SPIRITUAL MORAL CONSCIOUSNESS IN STUDENTS AND YOUTH OF UZBEKISTAN. *World scientific research journal*, 10(1), 257-262.
29. Жўрабоев, Н. Ю., Баратов, Р. Ў., Кушаков, Ф. А., Султанов, С. Х., & Хасанов, М. Н. (2022). ХИТОЙ ФАЛСАФАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ. *World scientific research journal*, 9(2), 43-48.
30. RAMATOV, J., SULTANOV, S., NAZAROVA, N., KHASANOV, M., & VALIEV, L. THE PLACE AND ROLE OF WOMEN IN THE RAILWAY TRANSPORT SYSTEM OF UZBEKISTAN. ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ Учредители: ООО" Институт управления и социально-экономического развития",(12), 49-52.
31. РАМАТОВ, Д., УМАРОВА, Р., СУЛТАНОВ, С., НАЗАРОВА, Н., & ХАСАНОВ, М. ФИЛОСОФИЯ И БУДУЩЕЕ. ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ Учредители: ООО" Институт управления и социально-экономического развития",(12).

32. Султонов, С. (2017). Взгляды Амира Темура на нравственное и интеллектуальное воспитание. Молодой ученый, (4), 626-627.

33. RAMATOV, J., UMAROVA, R., SULTANOV, S., NAZAROVA, N., & KHASANOV, M. LEADERSHIP FACTOR IN PROVIDING YOUTH COMPETITIVENESS. ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ Учредители: ООО" Институт управления и социально-экономического развития",(12), 40-44.

34. RAMATOV, J., UMAROVA, R., SULTANOV, S., NAZAROVA, N., & KHASANOV, M. THE IMPORTANCE OF FORMING HIGH MORALITY AND SPIRITUALITY IN YOUNG PEOPLE. ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ Учредители: ООО" Институт управления и социально-экономического развития",(12), 78-81.

35. RAMATOV, J., UMAROVA, R., SULTANOV, S., NAZAROVA, N., & KHASANOV, M. THE ROLE OF THE SCIENCE OF PROFESSIONAL ETHICS IN THE TRAINING OF SPECIALISTS AND RELATIONSHIP WITH OTHER DISCIPLINES. ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ Учредители: ООО" Институт управления и социально-экономического развития",(12), 23-26.

36. РАМАТОВ, Д., СУЛТАНОВ, С., НАЗАРОВА, Н., ЭРНИЯЗОВ, У., ХАСАНОВ, М., & ВАЛИЕВ, Л. ПРАГМАТИЗМ ПРОТИВ ФИЛОСОФИИ ОБЩЕСТВА. ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ Учредители: ООО" Институт управления и социально-экономического развития",(12).

37. RAMATOV, J., BARATOV, R., SULTANOV, S., NAZAROVA, N., ERNIYOZOV, U., & VALIEV, L. THE ROLE OF AUROBINDO GHOSH'S CONCEPT OF EDUCATION. ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ Учредители: ООО" Институт управления и социально-экономического развития",(12), 57-60.

38. Sultanov, S. H. (2023). YOSHLAR MA'NAVIYATIGA TA'SIR KO 'RSATUVCHI OMILLAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(1), 698-709.

39. Раматов, Ж.С., Баратов, Р.Ў., Султанов, С.Х., Муратова, Д.А., Хасанов, М.Н., & Эрнийёзов, У.К. (2022). ЁШЛАР ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЙ ҚИЁФАСИ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОЎЖИЯТИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10), 376-386.